Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 25 сентябрь, жума № 189 (21.286).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон иқтисодий алоқалари, давлатлараро муносабатлар ва дипломатия соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга кириши, хорижий мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатилиши натижасида пайдо бўлган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Комитети билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳридаги Сиёсат шунослик ва бошқарув институтини тугатиш ҳамда унинг моддий негизида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар университетнинг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

— Жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва халқаро журналистика соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш;

— худди шундай йўналишдаги чет мамлакатларнинг университетлари билан илмий, маданий ҳамда бошқа амалий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш;

— мазкур ихтисослар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида бошқа мамлакатларнинг ўқув юртлари, давлат, жамоат ва хусусий тузилмалари, фирмалари, банклари билан ҳамкорлик қилиш;

— талабалар ва ходимларнинг чет элларда малака оширишларини таъминлаш;

— хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, консулхоналари, савдо ва бошқа ваколатхоналари ҳамда ташкилотлари билан амалий алоқалар асосида халқаро муносабатлар соҳасида кенг ихтисосли мутахассислар тайёрлаш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш;

— ажнабий олимлар, мутахассислар, ишбилармон кишиларни кенг кўламда жалб этиб, университет ихтисоси бўйича шартнома асосида турли мактаблар, курслар, семинарлар, услубий ва маслаҳат пунктларини ташкил қилиш;

— жаҳон иқтисодиёти ва бизнес, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва журналистика соҳасида кўп томонлама тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича илмий марказлар, кенгашлар, лаборатория ташкил қилиш, шу жумладан шартнома асосида барпо этиш.

3. Ўзининг валюта жамғармасини вужудга келтириш, шу асосда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва мулкини кўпайтириш учун университетнинг ақлий имкониятидан фаол фойдаланилсин.

Шу мақсадда тегишли банк муассасаларида сўм ҳисоби билан бир қаторда валюта ҳисоб рақамлари очилсин; университет ташкил этилган кундан бошлаб дастлабки беш йил мобайнида у барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

4. Университет раҳбариятига пул маблағларини сарфлаш борасида тўла мустақиллик берилсин.

Профессор — ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг касб малакаси ва маҳорати ўсиб боришини эътиборга олган ҳолда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича тажрибалар ўтказишга рухсат берилсин.

5. Университетни ривожлантириш жамғармаси очилсин. Унинг даромадлари турли манбалар ҳисобидан, шу жумладан ажнабий фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ионлари, шунингдек тижорат фаолияти ҳисобидан ҳосил қилинсин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва ҳокимликлар университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар жиҳатдан кўмаклашсинлар. Университет мустақил Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада тараққий эттириш учун зарур бўлган янги тип ва авлодга мансуб кадрлар тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этиши лозим.

6. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида шартнома асосида ишловчи бошқарув институти очилсин.

7. Қуйидагилар институт ишининг асосий йўналишлари деб ҳисоблансин:

— давлат ва тижорат тузилмалари соҳасида жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб ҳамда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг талабларига, шунингдек Ўзбекистоннинг кенгайиб бораётган ташқи алоқаларига асосланиб ана шу тузилмалардаги бошқарув кадрларини кўп босқичли тарзда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— валюта — кредит ва молия муносабатлари, менеджмент, маркетинг ва савдо рекламаси, ташқи иқтисодий фаолият, жумладан инвестиция асосидаги ҳамкорлик, халқаро савдо, божхона ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларида, шунингдек ҳозирги замон сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг бошқа муҳим йўналишларида бошқарув кадрларини қайтадан ўқитиш ҳамда уларнинг мутахассислигини ўзгартириш;

— хилма-хил машғулот шаклларидан, мунозаралар, учрашувлар, жойларга бориш, амалий ўйинлари ҳамда бошқа шакллардан фойдаланиб таълимнинг юксак самарадорлиги ва амалий йўналишини таъминлаш;

— компьютерлар билан ҳамда бошқа замонавий ахборот техникаси ва алоқа воситалари билан ишлаш кўникмаларига ўргатиш.

8. Дипломатия ва консуллик хизматлари учун олий маълумотли мутахассислардан кадрлар резервини жадал тайёрлаш мақсадида университет ҳузурида дипломатия курслари ташкил этилсин.

9. Компьютер техникаси ва аудиовизуал воситаларини қўлланиб машғулотларнинг янги, илғор шакллари, шунингдек билимларга баҳо беришда тест синови амалиёти ўқув жараёнига татбиқ этилиши таъминлансин.

10. Илмий — педагогик ишга юқори малакали олимлар ва мутахассислар шартнома асосида қабул қилинсин. Университетга етакчи ўқув марказларининг вакилларини, жумладан хорижий мамлакатлардаги шундай марказларнинг вакилларини, шунингдек республика давлат ва жамоат ташкилотларининг ходимларини ўриндошлик ҳамда яккаякка шартномалар тузиш шарти билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

11. Университетга олий ўқув юртларининг талабалари ва ўқитувчиларига ёрдам тариқасида ўқув, услубий ва илмий адабиётлар, мавзулар бўйича тўпламлар чиқаришга рухсат берилсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқиш шартлари ва тўланадиган ҳақ миқдорлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Низомда харажатларни табақалаштирилган тарзда қоплаш, ўқишдаги юқори кўрсаткичларни эътиборга олиб, берилган кредитларни республика бюджети ҳисобидан тўла-тўкис тўлашгача кўзда тутилсин.

13. Университет раҳбарияти ўқув гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси қаролари бўлган талабалар орасидан тест танлов йўли билан жамласин. Бошқа мамлакатлардан талабалар шартнома асосида қабул қилинсин.

14. Университетнинг ишлашига доир ташкилий тадбирлар 1993 йилнинг январигача ниҳоясига етказилсин.

15. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

16. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилиб, зарур валюта харажатларини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 23 сентябрь.

«Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

дуо олтин эмасми, дейишади боболаримиз. Бу ўтитга, айниқса, Асака районидаги Солихон Ташланов номли жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон халқ нонби, Йўлдош хожи Ирисов амал қилади. Шу боис у бошлиқ жамоа хўжалиги аъзолари бозор иқтисодиёти муаммоларини тадбиркорлик билан енгишга ҳаракат қиляптилар.

Бу йил хўжалик пахтакорлари 404 гектар ерда ғўза ўстиришиб, унинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришни режалаштиришган. Шу билан бир қаторда кейинги пайтда хўжаликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор берилмоқда. Чунончи, ғишт ишлаб чиқарадиган, пиллани қайта ишлайдиган, атлас тўқийдиган ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди. Бу 220 дан знёд киши иш билан таъминланди деган гап. Демак даромад ҳам чакки бўлмайди. Мўлжал ҳам 2,5 миллион сўм фойда кўриш.

СУРАТДА: жамоа хўжалиги раиси Йўлдош ҳожи Ирисовга Ахтачи қишлоғининг оқсоқоли Абдужаббор ота Раҳимов оқ фотиҳа тиламоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ХДП ҲАЕТИДАН

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

23 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Республикада ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва партия ташкилотларининг вазифалари» ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг иккинчи котиби Т. Машарипов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда эркин баҳолар аҳолининг турмушини янада қийинлаштириб юбораётганлигига алоҳида урғу бериб гапирдилар. Биринчи галда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги ҳаммани ташвишлантирмоқда. Бунинг устига моддий ресурслар тақчиллиги сабабли ишлаб чиқариш кўлами торайиб, саноат, транспорт, қурилиш тармоқлари оқсаб қоляпти.

Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда ҳамон шошма-шошарлик, ўзбошимчалик, ўзига таниш одамларни масъул лавозимларга тайинлаш ҳоллари давом этмоқда. Бу камчиликларнинг содир бўлмаслиги учун ҳокимиятлар ва партия кенгашларида биргаликда ишлаб чиқилган кадрлар рўйхати бўлиши лозим. Шаҳар ва районларда одамларни иш билан таъминлаш, ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш ва уларни кескин равишда қамайтиришга орган ходимлари билан бутун жамоатчилик фаол иштирок этиши талаб этилади. Шунингдек, республика партия кенгаши ижроия бюроси Ўзбекистон ХДП Дастури асосида Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотининг иш йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам топширилди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади. Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси кенгаши биринчи котиби А. Х. Асанов қатнашдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

● Ўзбекистон ва жаҳон ●

ПАЙАРИҚ САНОАТ ШАҲАРЧАСИ

● Ўзбекистон — Америка «Сангзор» қўшма корхонасининг Пайариқ районида ташкил этилган бўлими тадбиркорлари бутун бошли саноат шаҳарчаси қуриб беришни зиммага олдилар. Дастлабки иншоот — пахта тозалаш заводи қурилиши бошлаб юборилди, деб ёзади ЎзА мухбири.

Корхона билан ёнма-ён пахта қабул қилиш майдончаси, 20 оилага мўлжалланган турар-жой, ошхона, дўкон, бир йўла юз нафар бемор даволанадиган шифохона, боғча бунёд этилади. Келгусида бу ерда иккита тикувчилик фабрикаси қурилади.

ИТАЛИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

● Косонсой районида Италиянинг «Карерра» фирмаси билан ҳамкорликда тикувчилик фабрикаси бунёд этилаяпти. Корхона жаҳон бозори талаби даражасида жинси шим, костюм ва спорт кийимлари чиқаради.

Шартномага кўра, ишчи кучи ва хом ашё билан косонсойликлар таъминлайди, ускуналар келтириш ва мутахассислар тайёрлаш эса шериклар зиммасида. Корхона октябрь ойидаёқ ишни бошлаб юборади. Зарур газмол ҳозирча Италиядан келтириб турилади, бунинг учун уларга тўрт минг тонна тола жўнатилди. Фабрикада дастлаб юз, кейинчалик эса уч юз нафар киши меҳнат қилади.

(ЎзА мухбири).

ТАНИШИНГ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ — «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» КОНЦЕРНИНИНГ РАИСИ

Тўлқин Мирхолиқович МИРЁҚУБОВ

Тўлқин Мирхолиқович Мирёқубов 1941 йил 22 февралда Тошкент шаҳрида туғилди. У 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини муваффақиятли тугаллаб, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ районидаги В. И. Ленин номли жамоа хўжалигининг бош агрономи сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган.

1967 — 1970 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Ўрта Чирчиқ район қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. 1970 — 1977 йилларда эса у Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ райони қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ва ундан кейин 1985 йилгача шу район ижроқўмининг раиси бўлиб хизмат қилди. 1985 — 1988 йилларда эса Ўзбекистон Компартияси Жиззах вилояти Жиззах район қўмитасининг биринчи котиби, 1988 — 1989 йилларда эса Ўзбекистон Компартияси Жиззах шаҳар қўмитасининг биринчи котиби, 1989 — 1991 йилларда эса Ўзбекистон Компартияси Тошкент район қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1991 — 1992 йилларда Тошкент вилоят ижроқўми раисининг биринчи муовини, 1992 йилдан бошлаб Тошкент вилояти ҳокимининг муовини. Халқ демократик партияси аъзоси, агроном-олим, унинг хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Тўлқин Мирхолиқович Мирёқубов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 18 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари Давлат — «Ўздонмаҳсулот» концернининг раиси этиб тайинланди.

КУН ТАРТИБИДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

● Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва ХДП вилоят кенгаши томонидан уюштирилган давра суҳбати миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланди.

Унда иштирок этган вилоят партия кенгаши, ёшлар иттифоқи, касаба уюшмалари, Қарши шаҳар ҳокимлиги, фахрийлар ва хотин-қизлар кенгашлари, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон мустақиллиги вилоятда янги истиқболлар очиб берганлиги ва бу ерда яшаётган халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Суҳбат жараёнида, шунингдек, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган қийинчиликларни тугатиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов ва вилоят ҳокими ўринбосари Р. Раҳмоновлар сўзга чиқдилар.

М. КАРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, молмулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мулкчиликнинг жамоа ва хусусий шаклларини вужудга келтириш учун шарт-шароит яратиш мақсадлари қарорда ўз аксини топган. Давлат мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида юқорида номлари зикр этилган тармоқларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиниб, қоидалар белгиланган ҳамда муваққат меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори газетанинг келгуси сонида эълон қилинади.

Нони борнинг кўнгли тўқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси И. А. Каримовнинг қарори билан илгари Тошкент вилояти ҳокими муовини бўлиб ишлаб келган Тўлқин Мирҳолиқович Мирёқубов Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари Давлат — «Ўздонмаҳсулот» концерни раиси этиб тайинланди. Мухбиримиз у билан суҳбатлашди.

— Тўлқин Мирҳолиқович, энг аввало Сизни янги лавозим билан муборакбод этамиз. Янги ташкил этилган концерн олдида қандай вазифалар турибди.

— Халқимизда «Нони борнинг кўнгли тўқ» деган нақл бор. Шу боис энг муҳими, халқимизни дон маҳсулотлари, аниқроғи нон билан узлуксиз таъминлаш биринчи галдаги вазифамиздир.

— Бизда шунга замин борми?

— Бор. Республикамизда бир йилда 1 миллион тонна дон етиштирилади, 5 миллион тонна донни четдан сотиб оламиз. Республикамиз аҳолиси бир кунда 7.700 тонна ун ишлатади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзига бир кунда 800 тонна ун кетади. Кўринди турибдики, зиммамиздаги масъулият жуда катта. Ҳозирда шахсан Президентимиз И. А. Каримов ва Вазирлар Маҳкамаси бу масалага катта аҳамият бермоқда. Ҳар шанба куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи муовини И. Х. Жўрабеков ҳузурида штаб ўтказилмоқда. Унда халқни дон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи чуқур муҳокама қилиб бориляпти.

— Концерн раиси сифатида ишни нимадан бошламоқчисиз?

— Биринчи навбатда шартномаларга биноан келишилган донни йил охиригача омборларимизга келтириб олишимиз керак. Ҳозир Қозоғистондан 1 миллион 800 минг тонна буғдой оламиз. Шунингдек, Туркия, Швейцария, Болгариядан дон олишимиз керак. Ҳозир бизда 1 кило ун 25 сўмга тушяпти. Унинг 1 килограмми эса халққа 7 сўмдан сотиляпти. Қолган қисмини давлат ўз бюджетидан қоплайди.

— Нон маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш, унинг хилларини кўпайтириш учун нима ишлар қилиняпти?

— Бизда нон ишлаб чиқариш учун техник базамиз етарли. Кўпгина корхоналар қайта таъмирдан чиқарилган. Тегирмонлар мунтазам ишлаб турибди. Айни пайтда мутахассисларимиз нонинг турли хилларини яратиш устида изланишмоқда. Яқинда Италиядан 10 та нон ишлаб чиқариш янги линияси келтирилади. Фурсатдан фойдаланиб шуни айтишим мумкинки, халқимизнинг кўнгли тўқ бўлсин: бизда нон маҳсулотлари етарли бўлади.

— Тўлқин ака, сиз кўп йиллар мобайнида Жиззах вилоятида ишлаб келгансиз. Бир пайтлари Жиззах шаҳри ва Жиззах райони қўшилганида шаҳар партия қўмитаси котиблигига муқобил тарзда ўтган сайловда ютиб чиққанингиз ҳамон эсимизда. Хуллас, Жиззахга кўп меҳнатингиз сингган. Ҳозирда бутун республикамиз ва Жиззах аҳли атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Хабарингиз бор, Шароф Рашидов номидаги жамғарма ҳам тузилган. Концерн жамоасининг ана шу жамғармага қандай ҳисса қўшиш ниятн бор!

— Халқимиз қатори Ш. Рашидов юбилейини муносиб кутиб олиш бизнинг жамоамизнинг ҳам муқаддас бурчимиздир. Жамоамиз ўз йиғилишида Шароф Рашидов жамғармасига 100 минг сўм ўтказишга қарор қилди.

Суҳбатдош Т. ТОШЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАҲОСИ:

УЧ ОЙГА—	ЯРИМ ЙИЛГА—	БИР ЙИЛГА—
96 сўм	192 сўм	384 сўм

• Ўзбекистон ва жаҳон



Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Покистон Ислом Республикаси фуқаролари билан мулоқотда.

МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг сабабини қондошлик ришталаридан, дин, маданият урф-одатларимизнинг ўхшашлигидан, ҳатто бирлигидан ахтариш керак. Ўзбекистон — Покистон халқларига хос ана шу уйғунликларни, икки юрт аҳолисини бир-бирига меҳру муҳаббати, садоқати баланд эканлигини сафар чоғида яққол ҳис этдик.

ИККИ кун мобайнида ён қўшни ҳисобланган қардош Покистон диёридан кўплаб диққатга молик тажрибаларни ўргандик. Қондошларимиз билан юзма-юз мулоқотда бўлдик. Уларнинг тадбиркор ва омилкор кишилар эканлигига тан бердик. Энг муҳими, Покистон халқининг, раҳбариятининг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги фидоийликлари биз — делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Ўз Ватанига, байроғига содиқ юртда бўлиб, шунга амин бўлдик: биз 74 йиллик большевойлар сиёсати оқибатида нафақат тарихимизни, балки маданиятимизни, урф-одатларимизни, қадриятларимизни йўқотдик. Эндиликда ҳар жиҳатдан покланиб олишимиз, эндигина тетапоя бўлаётган мустақиллигимизга гард юқтирмай, камолга етказишимиз керак.

Покистон диёридаги учрашувларнинг илк дақиқаларидаёқ иккала халқ вакиллари бир-бирлари билан яқинлашиб, диллашиб кетдиларки, бу бевосита дини, урф-одати бир бўлган Покистон, Афғонистон, Эрон ва Туркия мамлакатларининг тарихий дўстлигига бориб тақалади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Покистон Ислом Республикаси Президенти Ғулом Исҳоқхон ва Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифлар қучоқ очиб, юрт равнақи йўлида дилдан суҳбатлашганларини кўриб, чин дилдан қувониб кетасан киши! Ақлимизни, заковатимизни, билимимизни фақат яхшиликка, дўстликка, бир-биримизга ҳурматга қаратиш қанчалик саҳоватли иш! Ахир шунча йил қўшни бўлиб Покистон, унинг халқи такрорланмас табиати-ю бой тарихини билмай ўтганимиз етар. Энди Покистоннинг бой маданиятини, турмуш тарзини ўрганишимиз, уни республикамиз тараққиёти йўлида тадбиқ қилишни ҳам ўйлашимиз керак.

Делегацияга, Президентимиз И. А. Каримовга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромни бизга мамлакат бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилган Покистон ички ишлар ходими айтган мана шу сўзлардан ҳам яққол билса бўлади: «Жаноблар, Сизларнинг Президентингизга кўрсатилган юксак эҳтиром бошқа биронта ҳукумат раҳбарига кўрсатилган эмас. Чунки, Сизлар нафақат ён қўшнимиз, балки собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб мустақилликка эришдингиз, Афғонистондаги собиқ СССР сиёсатини қоралаб, халқларнинг дўстлигини, иттифоқлигини мустаҳкамлашга, Осиё минтақасида тинчлик ўрнатишга катта ҳисса қўшяпсиз».

Покистон пойтахти — Исломободнинг дунёдаги пойтахтлардан кескин фарқига, унинг бетакрор жозибасига ниҳоятда ҳавас қилдик. Шаҳар кўм-кўк дарахтзорга бурканган бўлиб, атрофи тоғ билан ўралганки, гўё курорт шаҳрини эслатади. Ширин-шакар мевалари, полиз маҳсулотларини тамадди қилсангиз, таъми узоқ вақт оғзингиздан кетмайди.

ХАЛҚИМИЗДА «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган ажойиб нақл бор. Президентимиз сафар чоғида Покистон раҳбарияти, зиёлилари ва ҳарбийлар билан учрашувда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, уруш, жанжалларни тўхтатиш афғон халқи учун ҳам, Покистон ва қўшни давлатлар учун ҳам бениҳоя кераклигини, бу урушдан ҳеч ким фойда кўрмаслигини такрор-такрор таъкидлади. Буни биз Афғонистон — Ўзбекистон — Покистон ўртасидаги йўл қурилиши муносабати билан ўтказилган музокарада яққол кўрдик.

Хўш, йўл қурилишидан кўзланган мақсад нима? Агар шу йўл қурилса, биринчи навбатда уччала халқ ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланади, иккинчидан, халқлар ўртасидаги алоқаларни, ўзаро муносабатларни кучайтиради. Бундан ташқари Алишер Навоий, бошқа уламоларнинг қабрини зиёрат қилиш, Афғонистон — Покистон халқларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ислом Каримов келгусида шу йўл бўйлаб газ, нефть қувурлари ўтиши, темир йўл қуриш лозимлигини ёркин мисоллар билан тушунтириб берар экан, бу катта иш Афғонистонда тинчлик ўрнатилсагина рўёбга чиқиши мумкинлигини таъкидлади. Музокарада Покистон раҳбарияти бу муҳим ишга бош қўшиши лозимлигини айтиб, Ўзбекистон ҳам йўл қурилишидан асло четда турмайди, деб ишонч билдирди.

Биз, делегация иштирокчилари шунга амин бўлдикки, агар Афғонистон — Ўзбекистон — Покистон йўли қурилса, денгизга чиқишнинг энг яқин йўли бизни Осиё қитъасидаги давлатлар билангина эмас, денгиз орқали жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ҳам алоқа қилиш истиқболларини очиб беради. Энг асосийси, дини бир бўлган туркий халқларнинг ўзаро дўстлиги, мулоқотини кучайтиради.

Покистон Ислом Республикасига ташриф чоғида телекоммуникациялар, энергетика, ирригация ва сув хўжалиги, транспорт алоқалари соҳасида ҳамкорлик қилишга, шунингдек, сармоя солишни рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга доир ўзаро манфаатли битимлар имзоландики, бу келгуси тараққиёт учун ниҳоятда хайрли ишдир. Бу битимлар мустақил республикамиз, жумладан виолятимиз учун самара бериши шубҳасиз.

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗНИНГ ташрифи покистонликларнинг катта байрамига, ҳар йили нишонланадиган Покистон Ислом Республикасининг мустақиллик кунига тўғри келди. Шу куни биз Покистон пойтахтининг Парламент майдонидаги жуда катта байрам тантаналарида қатнашдик. Уларда иштирок этар эканмиз, оддий халқнинг ўз юртига, раҳбариятига содиқлигини, меҳру-муҳаббатини кўриб ҳавас қилдик. Бизнинг юртимизда ҳам барча аҳоли, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар бир бўлиб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай сақласалар, ҳамкор-у ҳам нафас бўлиб ишласалар ва яшасалар, жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳам қисқа муддатда энг чиройли, иқтисодий жиҳатдан кучли давлат бўлишига ишондим. Шукурлар бўлсинким, республикамиз мустақилликка эришиб, яқиндагина истиқлолнинг бир йиллигини катта шодиёна билан байрам қилдик. Ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистонни 120 дан ортиқ мамлакатлар, жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар таниди, тан олди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатни дунёдаги энг буюк давлат раҳбарлари, жумладан, Покистон раҳбарлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Энг муҳими, халқимиз келажакка ишонч билан қараб, республика раҳбарияти, жумладан, Президентимиз атрофига маҳкамроқ жипслашиб, бозор иқтисодиёти синовларидан мардона ўтишмоқда, мустақил республика ютуқларини мустаҳкамлашмоқда.

Келажакка бўлган бу ишонч, айниқса, Мустақиллик байрами нишонланган кезларда яққол сезилди. Республикамизда, жумладан, вилоятимизда истиқлол байрами халқимизнинг зўр меҳнат кўтаринкилиги, юксак сафарбарлиги руҳида ўтди. Байрам муносабати билан деярли барча районлар ҳокимликларида элга ош берилди, кам даромадли оилалар, боқувчисини йўқотган нафақахўрлар, ногиронларга совға-саломлар улашилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, Мустақиллик байрамимиз худди Покистондагидек катта шодиёнага айланиб кетди. Ана шу муборак кунларда Ўзбекистон халқларига ҳам Покистондагидек юксак ҳурмат-этиром кўрсатилди. Кўплаб хайрли ишларга қўл урилди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи қалбларни-қалбларга улаб, икки халқ ўртасидаги меҳр оқибатни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик бундан кейин ҳам кенг ривожланишига катта умид туғдиради, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Ў. ОЛИМОВ,
Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

БАҒРИНГ БУНЧА ИССИҚ, ҚАРДОШ ПОКИСТОН!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОСИНИНГ САФАР ТААССУРОТЛАРИ



Исломобод шаҳри тоғлар бағрида жойлашган.
Р. ҒАФУРОВ олган суратлар.

И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ



ЯНГИЧА СИЁСИЙ ТАФАККУР

Мен Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасида тўла чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини зўр қизиқиш билан ўқидим. Ў мустақилликка бағишланган биринчи ажойиб китоб бўлди. Зиёлилар уни Ўзбекистоннинг истиқлол дорилфунуни, мустақилликнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатларини батафсил таҳлил этувчи ва асослаб берувчи назарий манба деб баҳоламоқдалар. Бу фикрга мен тўла қўшиламан.

Чиндан ҳам рисолада республикамизнинг ички ва ташқи сиёсати тушунарли, ишонарли, қизиқарли қилиб баён этилган. Табиийки, бу китоб турли соҳа кишилари, жумладан, талабалар, зиёлилар, илмий ходимлар, умуман, ҳамма учун қимматли қўлланма бўлиб қолади. Шу маънода «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти меҳнаткашларни ушбу рисола билан тўла таништириб яхши иш қилди.

Андижон вилояти ҳокимлигида, Халқ демократик партияси вилоят, шаҳар, район кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида, олий илмгоҳлар, идоралар, муассасалар, завод ва фабрикалар, давлат ва жамоа хўжаликларида ушбу китобни ўқиб-ўрганиш ташкил этила бошлади.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз эндигина мустақиллик йўлига чиқдик. Марказга тобеликдан қутилдик. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ миқёсида бошқа мамлакатлар қаторида ўз ўрнига эга бўлди. Жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакати уни тан олди. 45 та давлат республикамиз билан дипломатик алоқа ўрнатди. Мустақиллик — миллий ғурур ва маданий эътиқоднинг уйғонишига, эркин фикрлашга катта йўл очди. Бу йўлда адашмаслик учун билимдонлик, илмий асосланган сиёсат, жипслик, аҳиллик керак. Мустақилликни турли партиялар, ҳаракатлар орқали сиёсий томондан эмас, балки амалий томондан мустаҳкамлаш зарур. Халқ билан ҳокимият бир-бирини тўла қўллаб-қувватлаган ҳозирги пайтда сиёсат билан ҳаёт уйғунлашиши лозим. Рисолада ана шундай долзарб масала кўтарилган.

> **● Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.**
>
> («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан).

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши бошқа партия ташкилотлари билан умумий тил топишиш йўлларини қидиряпти. ХДП вилоят кенгаши Шаҳрихон шаҳрида «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» халқ ҳаракати раҳбарлари билан «Мустақиллик ҳимояга муҳтожми?» мавзуида мунозара-баҳс ўтказди. Бу баҳсларда мустақилликни мақсадсиз митинглар, дабдабали чақириқлар, шиорлар билан эмас, балки тинчлик, осойишталик, умумсиёсий вазиятнинг барқарорлиги билан мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Вилоятимизда ХДПнинг 26 минг 300 нафар аъзоси Президентимиз Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳокимият ва меҳнаткашлар оммаси билан биргаликда ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида фидокорлик кўрсатяптилар. ХДП ташкилотлари уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши билан биргаликда меҳнат жамоаларида, дала шийпонларида, аҳоли истиқомат жойларида учрашувлар ўтказиб, демократия, ижтимоий адолат, тинчлик, осойишталикни таъминлаш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб боришяпти.

Мустақиллик сиёсатини амалга ошириш вилоятимизда яшаётган турли миллат вакилларининг иноқлиги, жипслигига боғлиқдир. Биз халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар қилдик. Ҳозир вилоятимизда учта миллий-маданий марказ иш олиб бораяпти. Маҳаллий радио уч тилда эшиттириш бераяпти.

ХДП вилоят ташкилотлари зиёлилар, халқ ноиблари, Ёшлар Иттифоқи, касаба уюшмаси ташкилотлари, Ўзбекистон саломатлик ва меҳр-шафқат жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳам алоқани мустаҳкамлаяпти. Вилоят партия кенгашининг пленуми «Ёшлар сиёсати дастури ҳақида» тадбирлар ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этди.

Бироқ, ҳозирги вазиятни муаммоларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун биргаликда иқтисодий тангликдан чиқиш йўлини қидириб топишимиз, халқ фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишимиз, инсон қадриятларини қарор топтиришимиз муҳимдир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бунёдкорлик, сиёсий ҳаракатларни қарор топтирувчи партиядир, Республика Президенти партиясидир. Ҳамкасб, ҳамфикр маслакдошларимиз юртимизда тинчлик, осойишталик учун меҳнат қилмоқдалар. Партиямиз ўз атрофига софдил кишиларни жипслаштирган. Улар Ўзбекистонни жаҳон тараққиёти миқёсига олиб чиқиш учун бошланган курашда ўз билими, маҳоратини аямайдиган кишилардир.

А. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг иккинчи котиби.

ШАҲСАН МЕН КЎП НАРСА ЎРГАНДИМ

Мустақил республикамиз тараққиёт йўлларининг долзарб масалаларига бағишланган оммабоп рисола ёзиш муаллифдан юксак маҳорат, чуқур таҳлил ва юксак билим талаб қилади. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласи сер мазмунлиги ва кўп қирралиги билан фарқ қилади. Ундаги фикрларни тушуниш осон, шу сабабли рисола кенг китобхонлар, айниқса талабалар томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Рисолада республикамиз халқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари асосий ўрин тутади. Муаллиф рисолада бозор муносабатларини шакллантиришда молиянинг ролини очиб беришга алоҳида аҳамият берган.

«Аҳолини ва авало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш қандай манбалар ҳисобидан таъминланиши мумкин? — деб савол қўйиб, муаллиф шундай жавоб беради. — Миллий даромадни қайта тақсимлаш — давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланаётган миллий даромаднинг улуши баъзида 30-50 фоизга етади. Ижтимоий-маданий соҳага, илм-фанга, техникавий тараққиёт ва мудофаага ҳам маблағлар мана шу ҳисобдан таъминланади».

Ана шу умумлаштиришни мутолаа қилар эканмиз, рисола бизни иқтисодий тафаккурга чорлайди. Масала шундан иборатки, миллий даромад ҳажмини ҳисоблаш, уни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш усуллари янги талабларга жавоб беролмай қолди. Биз илгари Иттифоқ ихтиёрига ўтиб кетадиган молия ресурсларини, олтин ва қазилма бойликларни оборот солиғи ва нарх механизми ёрдами билан вужудга келган ва ўзимиз фойдаланмай келган бойликларимизнинг ўз миллий даромадимиз таркибига киритмаган бўлсак, энди киритишимиз керак. Демак, иқтисодчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири миллий даромадни ҳисоблашнинг янги усулларини ишлаб чиқишдир.

> **● Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаддас босқичдир.**
>
> («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан).

Миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда солиқлар тизими муҳим роль ўйнайди. Муаллиф айтганидек, солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисмидир: «Уни ҳали чинакамига ташкил қилишга тўғри келади. Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилишда кўмаклашиши керак».

Йил бошида ёш иқтисодчилар билан учрашганда И. А. Каримов таъкидлаганидек, бунинг учун биринчи навбатда солиқ концепциясини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Россия солиқ хизматининг раҳбари, иқтисод фанлари доктори А. Пансков айтганидек, Россияда солиқ ҳақида қабул қилинаётган қонунлар ғарбдаги қонунларнинг нусҳаси, модели бўлиб, қонун қабул қилинганда унинг ставкаси кўпайтирилади, баъзи қирралари қисман ўзгартирилади. И. А. Каримов республика иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, ўзининг тузилиши жиҳатидан бошқалардан фарқ қиладиган солиқлар тизимини вужудга келтиришга қаратилган концепция яратиш вазифасини иқтисодчиларга ҳавола қилган. Биз бу йўналишда иш олиб бормоқдамиз.

Фикримча, ана шу концепция асосида биринчи навбатда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон солиқ тизими ҳақида» қонун қабул қилиши, қонун лойиҳаси кенг муҳокамадан ўтиши зарур: «Ана шунда биз солиқ ишини чинакамига ташкил қилишимиз мумкин».

Бир сўз билан айтганда истиқлол ҳақидаги рисола республикада иқтисодий фанларнинг ривожланишига ёрдам беради. Лекин иқтисодий фанлар истиқболини бозор иқтисодиёти талаблари даражасига кўтариш учун бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш керак. Бу тадбирлар орасида бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари билан бевосита шуғулланаётган илмий тадқиқот институтлари, олийгоҳларнинг кафедралари илмий режаларини мувофиқлаштириш, уларга раҳбарлик савиясини юқори кўтариш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш лозим.

Ҳ. СОБИРОВ,
Тошкент молия олийгоҳи «Солиқ ва суғурта» кафедрасининг профессори.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАВОИЙ

ЧЎЛ ДУРДОНАСИ

Навбаҳор районидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг қўриқ Жамбул зонасида меҳнат қилаётган Ҳамро Азимов бошлиқ чўлқуварлар оиласи ўз шахсий мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапот бердилар. Улар мавжуд 5 гектар қўриқ ерда деҳқончилик қилишиб, эл хирмонига 15 тонна чўл дурдонаси армуғон этишди.

Айни кунларда чўлқуварлар хирмонни 20 тоннага етказиш ҳаракатида. Шунингдек, хўжаликнинг бошқа чўлқувар пудратчилари ҳам бирин-кетин маррага етиб келишмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

● НАМАНГАН

АНЖИРНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН КОРХОНА

● ҲАР ЖОЙНИНГ ўзига хос ўтмиши бўлади. Наманган районидаги сўлим бир масканни Анжирзор маҳалла дейилиши ҳам бежиз эмас. Бироқ, бу маҳалла хонадонларида юз йиллик анжир дарахтлари бор. Бу ерда анжир ўстириб, парвариш қилиш азалий анъана, Дастурхонларидан анжир мураббо, анжир компот ҳамда анжир қоқилар аримайди.

Ана шу маҳалла аҳли ва «Қизил байроқ» жамоа хўжалиги раҳбарлари ташаббуси билан 4 гектар ерда анжирзор ташкил этилганди. Ҳозир бу боғда йилига 20 тоннага яқин анжир етиштирилиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Яқинда бу ерда анжирни қайта ишлайдиган мўъжаз корхона ҳам ташкил этилди. Энди ушбу корхонада йилига 4,5 тоннагача анжир қайта ишланиб, мураббо ва компот тайёрланади.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

● ҚАШҚАДАРЁ

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

● «ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРГА билим ва маданият» — Қарши шаҳрида ана шундай шиор остида кузги китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Шаҳарнинг Ленин кўчаси бўйлаб китоб савдоси расталари ўрнатилди. Республикамизда чоп этилган бадиий асарлар, дарсликлар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари ярмаркадан ўрин олди. Билим ва маънавият сарчашмаси — китобга бағишланган савдо ярмаркасидан харидорлар ғоят мамнун бўлишди.

Мусо КАРОМОВ.

● ТОЖИКИСТОН ДАРДИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ИМОН АМРИГА БЎЙСУНАЙЛИК

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, ён қўшни — жон қўшни бўлиб яшаб келишган. Ўзбек ва тожик халқининг қон-қардошлик ришталари олис-олисларга бориб тақалади. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар тамал тошини қўйган дўстлик муносабатларига собиқ Иттифоқ даврида тортилган тиканли деворлар ҳам тўсиқ бўлолмади. Жумладан, биз истиқомат қилаётган Сурхон воҳасида тожик ва ўзбеклар тўйда ҳам, азада ҳам бир-бирларини суяб келишган. Дўстликнинг бош гарови доимий борди-келдиларнинг барқарорлигида, тинч-тотувликда деб ўйлайман.

Бугун ўлкаларимиз мустақилликни қўлга киритиб, бу ердаги халқлар ўз қадриятларини, ўз давлатларини тиклаётган, ҳамдўстликдаги ҳамма мамлакатлар оғир иқтисодий тангликни бошдан кечираётган бир пайтда Тожикистонда юз бераётган воқеалар бизни ташвишга солмоқда. Бегуноҳ кишилар, ёш болалар, аёллар нобуд бўлмоқда. Бирники — мингга, мингники — туманга, дейди халқимиз. Бу кескинликнинг тезликда олди олинмаса, худо кўрсатмасин, охир-оқибатда нима бўлади, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, тожик дўстларимизнинг ўзларигина ораларида чиққан можаронни ҳал этишлари мумкин ва лозим. Мен Тожикистондаги ўзаро рақиб гуруҳлар ақлидрок ва имон амрига бўйсуниб, бегуноҳ фуқароларга шафқат қилишларини истардим. Зеро, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади.

Абдулла АЗИМОВ,
«Беш қаҳрамон» давлат хўжалиги, пенсионер, Кумқўрғон райони Сурхондарё вилояти.

КОРХОНАМИЗГА БИР КЕЛИНГ

Сардоба қўрғонида қад кўтарган қўшма корхона тикув машиналарини қишлоғимиз қизлари бошқармоқдалар. «Тошкент — Коттон» бирлашмасига қарашли, Италиянинг «Коррера» фирмаси билан ҳамкорликда асос солинган фабрика атиги уч ой ичида барпо этилди. Шу йилнинг март ойида у дастлабки маҳсулотларни бера бошлади. Мана, ҳозир ойига 30 минг нафар жинси шимларини тикмоқдамиз. Айни пайтда корхонанинг кейинги навбатлари қурилиши давом этяпти. Замонавий усулда иш юритишни орзу қилаётган бўлсангиз, Ўзбекистон истиқлолини янада мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқчи бўлсангиз фабрикамизга келинг, кўп нарсаларни ўрганиб қайтасиз.

Зуҳра ЭРГАШЕВА,
Оқолтин районидаги қўшма корхона бригадаси бошлиғи.

• МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ИМКОНИЯТЛАРИ •

●Сир эмас, Мустақил Ўзбекистоннинг ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришига янги кафолатлар яратиляпти. Бунда бевосита транспорт хизматини йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис жумҳуриятимизда халқаро йўналишларда фаолият кўрсатувчи янги-янги автотранспорт корхоналари вужудга келтириляпти.

ЎЗБЕК ТРАНСПОРТЧИЛАРИ ХОРИЖГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

ЯҚИНДА яна шундай бир корхона вужудга келди. Биқинига қоплон рамзи туширилган юк машиналари Осиё ва Европа йўлларида қатнай бошлади. Бу машиналар «Ўрта Осиё транс» транспорт-экспедиторлик фирмасига қарашли. Ушбу корхонанинг ташкил этилиши ўзбек ишбилармонлари учун ҳам, чет эл фирмалари вакиллари учун ҳам айни муддао бўлди.

Негаки, илгари хориждан ўлкамизга келтирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия денгиз портларидан темир йўл орқали ташилар, бунинг учун эса анчагина хизмат ҳақи тўланарди. Эндиликда юкларнинг бир қисмини бевосита республикага қарашли автотранспорт воситалари ёрдамида ташиш имконига эга бўлинди.

«Ўрта Осиё транс» автомобиль фирмаси маъмуриятидастлаб 100 та КамАЗ юк автомашинасини сотиб олди. Қисқа муддатда 110 нафар тажрибали ҳайдовчилар ишга жалб қилинди. Кўп ўтмай шоферлар учун виза, паспорт ва бошқа йўл ҳужжатлари ҳам тайёрланди. Виза масаласи илгари ўзбек ишбилармонларини бироз қийнаб қўйганди. Мустақиллик шарофати билан республикамиз пойтахтида бир қатор давлатлар элчихона ва консулликларининг очилиши бундан буён бу масалада Москвага ёрдам сўраб боришга ҳожат қолдирмади. Тошкентнинг ўзида виза олинадиган бўлди.

Бундай қудратли юк машиналарини ишлатиладиган автомобиль корхонаси ташкил этилганлиги Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш шароитида дадил ҳаракат қилаётганининг ифодаси. Халқаро миқёсда юк ташишга ихтисослаштирилган бу фирма ҳозир Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатиб турибди.

Янги автомобиль корхонаси иш бошлагани мижозларга қулайлик яратмоқда. Негаки, шу чоққача республикамиздан ташқарига, хориждан Ўзбекистонга юк ташиш билан саноқли корхоналаргина шуғулланар, табийки, «Ўзинтранс», «Совтранс», «Союзвнештранс» каби корхоналр юк жўнатишдан манфаатдор ташкилотлар талабини қондиролмаётганди. Аниқроғи, юк ташишдаги ҳукмронлик тармоқ тараққиётига ғов бўлиб турарди. «Ўрта Осиё транс» иш бошлаши билан вазият ўзгарди. Юк жўнатувчилар транспортчини танлаб олиш имконига эга бўлдилар. Рақобат эса тараққиётга йўл очиб бермоқда.

— Ҳозир ўндан зиёд Осиё ва Европа мамлакатларига юк ташишни йўлга қўйдик, — дейди «Ўрта Осиё транс» автокорхонаси бош директори Ҳусайн Ҳусайнов. — Очиғи, биз билан ҳамкорлик қилишга интилаётган ҳорижий фирма ва ташкилотлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, Туркия, Хитой, Афғонистон, Покистон, Мўғулистон ишбилармонларидан кўплаб буюртмалар оляпмиз.

Бундан ташқари ҳайдовчиларимиз Польша, Чехословакия, Руминия, Болгария, Греция сингари Европа давлатларига ҳам юк ташишмоқда. Айни пайтда чет элдан жумҳуриятимизга замонавий технология ускуналари, медицина буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари келтириляпти. Яқинда Германия ва Австрия фирмаларидан Тошкент вилоятидаги Қибрай чанқовбосди ичимликлар заводига замонавий ускуналар келтириб бердик. Туркиядан қарз (кредит) эвазига харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш ҳам давом этмоқда.

«Ўрта Осиё транс» корхонаси Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида ҳам самарали фаолият кўрсатяпти. Бугунга келиб Ҳамдўстликдаги кўпгина корхоналар Ўзбекистон транспортчилари хизматидан фойдаланишяпти. Ҳайдовчиларимизнинг тез ва соз ишлаши, юкларни белгиланган муддатда элтиб бериши буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон ишбилармонлари транспорт алоқаларини келгусида ҳам ривожлантириш ташвишида юришибди. Бунга Покистон билан тузилган шартнома мисол бўлиши мумкин. Маълумки, мазкур давлатдаги Карочи денгиз порти орқали жаҳон океанига чиқиш имкони бор. Мустақил Ўзбекистон учун ушбу портдан фойдаланиш анча қулай, нисбатан арзон. Чунки ҳозирги пайтда масофа жиҳатдан жуда узоқ бўлган Қора денгиз ёки Болтиқ бўйи денгизлари портларидан фойдаланиш бизга қимматга тушмоқда.

Шу йилнинг август ойида жумҳурият Президенти И. Каримов Исломободга расмий сафар қилган чоғда иқтисодий масалалар қаторида Ўзбекистоннинг жаҳон океанига Карочи порти орқали чиқиши имкониятлари ҳақида ҳам Покистон раҳбарлари билан келишиб олди. Ҳозир мутахассислар уч томонлама имзоланадиган битимни тайёрлашяпти. Унга кўра, Термиздан Афғонистон орқали Покистонга ўтувчи автотранспорт йўли таъмирланади. Бу йўл келажакда Ўзбекистонни жаҳон океани билан боғлайди. Бинобарин, жумҳуриятимиз учун мўлжалланган юкларни Карочи портидан ташиш айнан «Ўрта Осиё транс» ҳайдовчилари зиммасига тушади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фирма таркибида турли хил юк ташийдиган бўлинмалар сони тўрттага етди. Улар Тошкент, Жиззах Термиз, Фарғонада фаолият кўрсатмоқда. Бу эса автомобиль фирмаси хизматидан фойдаланувчиларга қулайлик яратмоқда.

Албатта, халқаро йўналишларда юк ташиш учун ўта қулай ва замонавий транспорт воситалари талаб этилади. Корхона раҳбарияти буни ҳисобга олган ҳолда Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмасидан 100 та юк автомашинаси сотиб олишга қарор қилди. Яқинда Москвада бўлиб ўтган «Автошоу—92» кўргазмасида Голландия ва Швеция турдош фирмалари раҳбарлари билан ҳам фойдали шартномалар имзоланди. Демак, тез орада ўзбек транспортчилари замонавий юк машиналари билан таъминланиши турган гап.

Корхона келгусида транспорт самолётларини сотиб олишни ҳам мўлжалламоқда. Тошкент атрофида эса Ўрта Осиёда энг йирик халқаро катта омбор (терминал) барпо этиш кўзда тутиляпти. Шу мақсадда 20 гектар ер ижарага олинди. Ҳозирда мутахассислар ушбу иншоотнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашяпти. Фирма раҳбарининг айтишича, янги омбор ўз вақтида қуриб битказилса, ҳайдовчиларимиз жаҳон андозасига мос транспорт иншоотига эга бўлишади. Бинобарин, жумҳуриятимиз билан ҳамкорлик қилишни истаган Евроосиё қитъасидаги барча мамлакатларга транспорт хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Андижон вилояти. Булоқбоши пиллакашлик фабрикаси — Ўзбекистон мустақиллиги билан тенгдош. Бу йил корхонада 81 ўрнига 84 тонна ипак тайёрлаш учун қизғин меҳнат беллашуви давом этмоқда. Муҳаррам Мирзаматова бу ҳаракатда фаол қатнашиб, режаларни орттириб бажаряпти, жамоада ҳурмат-эътибор қозояпти.

Суратда: илғор ишчи Муҳаррам Мирзаматова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Тошкентда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжаликни янгича юритиш ва хусусийлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

(ЎзА).

• ҚИШЛОҚ: РЕЖАЛАР, МУАММОЛАР



ОЛИСНИ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛГА ЕТАДИ

Саксон ёшни қаршилаган Али бобо Раҳматовнинг умри яйловда ўтди. Ўзи майдаёвлик. Косон районининг 54-давлат хўжалигидаги Майдаёв қишлоғи Қашқадарёнинг шимолий-ғарбида жойлашган. Яъни Самарқанд вилоятининг «Қарноб» давлат хўжалиги, Бухоро вилоятининг Ўртачўли билан чегарадош.

— Бобом, бобомнинг бобоси, унинг ҳам бобоси чорвадор бўлган, — дейди Али бобо, — қоракўлчилик билан шуғулланишган. Қадимги Майдаёв қишлоғида тўрт мингга яқин аҳоли яшайди. Қишлоғимизга тоза ичимлик суви келтирилган, аммо газлашмаган. Баллонли газдан фойдаланяпмиз. 25 ўринли касалхона ишлаб турибди. Яқинда жувоз қурилди. Тегирмон қурилиши бошланди.

Али бобо Раҳматовнинг фахрланганича бор. Бутун бошли қишлоқда жойлашган одамлар унинг жондош ва қондошлари, хешу-ақраболари. Улар кенгликда жойлашган Майдаёв қишлоғи атрофида деҳқончилик билан шуғулланмоқдалар. Совхоз илгари «Ўзбекистон комсомоли» номи билан аталарди. Мустақиллик туфайли ҳар бир эл ўзлигини англади. Қишлоқдошлар хўжаликни «Майдаёв» деб номлашди.

Майдаёвга ХДП аъзоси Турдиқул Алиев директор. Бу йил давлат хўжалиги меҳнат аҳли 1 минг 245 гектар ерда пахта етиштиряпти. Экин майдони 90 та ижарачига бўлиб берилган. Ижарачи ишласа тишлайди. Шунинг учун ҳам Кўклам Ботиров, Жамол Давронов, Парда Жумаев каби ижарачилар ҳар гектар янги ердан 25—30 центнердан пахта етиштиришни мўлжаллаб меҳнат қилишмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда бу йил совхоз 2 миллион сўм соф фойда кўриши керак.

Яқинда 1 минг 600 гектар ердаги ғалла ўриб-янчиб бўлинди. Ҳозирча омборда Ғиждувондаги 206-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари бултургига нисбатан жорий йилда ўн баравардан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираётган бўлсалар-да, ўз меҳнатларидан қониқишгани йўқ. Боиси—келаётган даромад, аниқроғи олаётган маошларидан ҳафсалалари пир бўлмоқда.

Хўш, бунга сабаб нима? Ҳаммаси бозор иқтисодиёти сиёсатига боғлиқми? Қуйида шулар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Колонна райондаги қурилиш-монтаж ишларининг деярли учдан икки қисмини бажаради. Биргина шу йилнинг ўзида бинокорлик жамоаси зиммасига бош пудрат бўйича 31 миллион 789 минг сўмлик, ўз кучлари билан 20 миллион 240 минг сўмлик иш бажариш юклангган. Хўш, бунга эришиб бўладими?

— Шу йилнинг ўтган олти ойида белгиланган режалар ошириб уддаланди,— дейди бош муҳандис Ғаффор Баротов. — Бош пудрат бўйича 16,1 миллион сўмлик, ўз кучимиз билан эса 10,8 миллион сўмлик иш бажардик. Лекин рақамлар салмоқли бўлгани билан фойдаланишга топширилган бинолар саноқлидир.

Дарҳақиқат йилнинг ўтган ойлари мобайнида бор-йўғи пахта тозалаш заводи ишчилари учун 16 хўжаликка мўлжалланган ҳамда шаҳар аҳолиси учун худди шунча уй қуриб, фойдаланишга топширилди. Қолган қурилиш майдонларида ишлар поёнига етказилмади. Рақамларнинг салмоқлилигига сабаб эса бинокорлик материалларининг нархи осмон қадар юқорилигидадир.

— Бир пайтлар мен ҳам колоннада бош муҳандис бўлиб ишлаганман, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Аҳмад Ҳотамов. — Ўшанда минг дона ғишт 57 сўм эди. Ҳозир эса у 844 сўмни ташкил этади. Ёки томнинг устини ёпиш учун ишлатиладиган плиталарнинг донаси 84 сўм бўлган, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги нархи 3700 сўмдир.

Қисқаси, материаллар нархи 50—100 баравар ошиб кетди. Бундан тўрт йил муқаддам «Зарафшон», «Оқ олтин», «Гулистон» жамоа хўжаликларида қиймати 9—17 минг сўм турадиган турар-жой бинолари қуришда анча қийналгандик. Хўжаликлар нархи баланд деб, анча қойиндилар. Энди эса беш хонали уй қуриш учун камида 300—350 минг сўмлик иш бажариш керак бўляпти.

Ҳа, қишлоқ қурилиши айни кунларда аянчли аҳволда десак, ҳато қилмаймиз. Қурилиш материалларининг нархи ошганлиги туфайли айрим объектларда қурилиш-монтаж ишлари маълум муддатга тўхтатиб қўйилди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Хўш, шундай оғир шароитда қурувчиларнинг ҳаёт кечириши, қандай? Улар маошларини вақтида олиб туришибдими? Гарчи қийин бўлса-да, айрим иншоотларда иш бораяпти. Масалан, К. Маркс номли, «Халқобод» жамоа хўжаликларидаги мактаб, ҳаммом, «Зарафшон» жамоа хўжалигида клуб, С. Айний номли жамоа хўжалигида уй-жой, «Гулистон» жамоа-хўжалигида уруғчилик лабораторияси, Файзулла Юнусов қишлоқ Кенгашининг янги биноси, Ғиждувон шаҳридаги деҳқон бозоридаги чойхона қурилиши қизғин давом этмоқда. Ана шу қурилишлар эвазига колонна аравасини юритяпти, ишчиларга маош беряпти.

Тўғри, у ойла тебратишга етмайди. Дейлик, ҳозирги кунда 980—1000 сўм билан оилани боқиб бўладими? Корхона қурувчиларга ҳар куни овқатланиш учун 10 сўм ҳамда мева-чева харид қилиш учун яна шунча товон пули беряпти.

— Таъминотдаги узилишларга кўникиб қолдик, — дейди колонна бошлиғи Теша Болтаев. — Ўзимизда пойдевор, эшик-деразалар устига қўйиладиган блоклар тайёрлаш йўлга қўйиляпти. Бундан ташқари дурадгорлик цехида эшик-деразалар ясаляпти. Имконият даражасида аҳолига пуллик хизмат ҳам кўрсатяпмиз. Бу эса ишчиларга анча мадад бўлмоқда. Эндиликда иш тўхтатилган объектларда меҳнат қилаётган қурувчиларни беиш қолдирмаслик чораларини кўряпмиз.

Буюртмачилар ишини бажариш учун маблағ кераклиги ҳаммага аён. Лекин ўша маблағ ҳамиша ҳам колонна чўнтагига келиб тушмаяпти. Колонна раҳбарияти, мутахассислари бу ва таъминотдаги бошқа муаммолар ҳақида узоқ бош қотириб, қийинчиликдан чиқиш йўлларини белгилаб олмоқдалар. Тўғри, қурилишдаги муаммолар эртами-кечми ўз ечимини топиши аниқ. Лекин ҳозирча қурувчи азият чекмоқда. Бинобарин, бугунги кунда бинокорлик саноатини моддий жиҳатдан таъминлашни давлат қисман ўз ҳисобига олса, тармоқда ўзгариш ясаш осон кечган бўлур эди.

Д. БАҲРОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

РАҚАМЛАР САЛМОҚЛИ-Ю, УЙЛАР САНОҚЛИ

• НУҚТАИ НАЗАР

● Агар мозийга чуқур назар соладиган бўлсак, халқ қўзғолонларининг аксарияти кадриятнинг топталиши, аксинча фаровонликнинг сабаби инсон қадрининг юксаклиги билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Зеро, «Қобуснома»да шундай сатрлар бор: «Билгилки, халқнинг расми (одати) шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёда бирор нарса ҳосил қиладилар ва (бу топган) нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар».

АНА шу нарсаларни биз қадрият деб атаймиз ва уларни доимо муқаддас тутамиз. Қадриятни битта ҳислат ёки буюм билан ўлчаб бўлмайди. У жуда кенг маъно касб этади.

Қашқадарёда Жом бозори бор. Ерли кишиларнинг айтишича, бозорда умуман ўғрилик бўлмайди. Бир пайтлар бир бегона аёл ҳуржинлар қатор қилиб териб қўйилган жойдан нарса ўғирлаган. Айтишларича, ўша аёлни бутун жамоа қалтаклаб қувиб юборган экан. Кимгадир бу «шунчаки воқеа»дир. Аммо жамиятнинг бугунги титроғи ана шу каби қадриятларнинг соғда қолиб кетганлиги эмасми?!

Юртимизда Европа маданиятига тақлид шу даражада ошиб кетдики, биз халқ анъаналарини эскилик сарқити дейишгача бордик.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бобом: «Болам, супургини тик қўймагин, устига доимо хокондозни бостириб қўйгин» деса «Қўйсангиз-чи, шу диний гапларни» деганман. Ваҳолонки, ҳўл супурги агар тикка қўйилса, қийшиқ ҳолда қотиб қолар экан...

Бир ривоят юради: қадимда подшонинг хазинасига ўғри тушибди. Қизиғи шундаки, ўғри хазинадаги барча бойликни йиғиштириб қопга солган-у, уни ўзи ковлаган туйнукнинг олдида қолдириб кетган. Подшо ҳам, атрофидагилар ҳам ҳайрон. Охири жар солишибди: «Кимда ким ушбу сирни айтса, бойликнинг ярмига эга чиқади!».

Ўғрининг ўзи келибди. Хуллас, шундай дебди:

— Тақсир, хазинани шипшийдон қилиб, қопга солиб тўйнукдан чиқаётсам, кўзим бурчакда ётган ялтироқ нарсага тушди. Қарасам, калладай тош. Олтинми, кумушми деб ҳидлаб кўрсам ҳиди йўқ. Тишлаб кўрсам... туз экан. Ўзингиз биласиз, удумимизга кўра, туз еган жойдан ўғирлик қилишмайди.

Подшо айтган ваъдасининг устидан чиқибди.

Лекин бизнинг замонда тузингизни еб, тузлуғингизга тупуриш... одатий ҳолга айланиб қолди. Четдан келган юзлаб, минглаб «меҳмон»ларга бағримизни, дастурхонимизни очдик. Афсуски, улар кўчада санғишни, киссавурлик қилишни тарк этмадилар. Оқибатда кўп ўтмай уларнинг сафида бизнинг ёшлар ҳам пайдо бўлишди. Айрим ўзимизникилар ҳам қариндошиникидан, қўшнисиникидан нарса ўмаришга ўрганишди. Ахир, қадриятнинг топталиши бундан ҳам ортиқ бўладими?!

Биз йиллар давомида юртимизга келган меҳмонларни кўча бошида, аэропортда, чегарада нон-туз билан кутиб олдик. Ваҳолонки, ота-боболаримиз дастурхон тузаб, бир пиёла чой дамлагандан кейингина «Меҳмонга нон-туз бердик» деганлар.

Яқинда вилоят газетасида бир хабар ўқидим. Боғча тарбияланувчилари ўртасида «Суғдиёна гўзали» танлови ўтказилибди. Қовун қовундан ранг олади, деб шуни айтишади-да! Катталари бехаёлик қилганда индамадик. Мана оқибати! Наҳотки Тўмарис, Нодира, Увайсий, Бибихоним авлодлари ҳисобланган қизларимиз шундай тадбирларни ўзларига эп кўришса?!

Биз мустақилликка эришганлигимиз, тилимиз тўғрисида давлат Қонунига эга бўлганлигимиз билан фахрлансак арзийди. Аммо қадриятларни осмонга кўтариш ҳам зарур. Мен манзил, ўқув юртлари ва хўжаликларга ном бериш масаласига ишора қилаяпман. Менимча, тўртта кўчага ўзбекча ном қўйиб. «Мана, қадриятларни қайтаряпмиз» дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки бизнинг халқда бу нарса одат эмас эди. Ҳозир жойларда ким ўзарига ном қўйиш мусобақаси кетаяпти. Аҳвол шундай кетса, яна ўн йилдан кейин Самарқандда битта ном билан аталувчи беш-олтита кўча пайдо бўлмаслигига ким кафолат беради?!

Қадрият — у ёки бу халқнинг дунёда яшаб турганлигини белгиловчи мезон. Қадриятнинг боқийлиги халқнинг ватанпарварлигига, халқ анъаналарининг ҳаётийлигига боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтганда, хорижда бизнинг ўзбеклигимизни фақат устимиздаги либосимиздангина эмас, тилимиздан чиқадиган маънили сўзлардан, хуш феъл-имиздан ҳам билиб олишсин. Бунинг учун биз, аввало, ўз юртимизда ўзлигимизни англай билайлик. Мустақиллик имкониятларидан фойдаланиб, йўқолиб бораётган қадриятларни биргалашиб тиклайлик, илмга, маърифатга бағримизни очайлик.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ САРБАЛАНДМИ?

КЕЛИНГ, ЯХШИСИ, БУ САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШ УЧУН ТУРМУШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА АНДАК МУЛОҲАЗА ЮРИТАЙЛИК

БУХОРО БИЛАН ИЗМИР БИРОДАРЛАШДИ

Бухоро меҳнаткашлари делегациясининг қардош Туркиянинг Измир вилоятига ташрифи якуниланди. Сафар давомида Бухоро билан Измир ўртасида ҳар томонлама самарали алоқаларни йўлга қўйиш тўғрисида аҳдлашиб олинди. Савдо-сотиқ ва тижорат айниқса ривожланади. Бухорода «Измир», у ерда эса «Бухоро» дўконлари очилади.

Президентимиз асос солдилар, — деди делегация бошлиғи, вилоят ҳокими Д. Ёдгоров. — У киши Туркияга дастлабки сафарларида Измирда ҳам бўлиб, унинг бош валийсининг ўз шаҳрини Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлардан бири билан биродарлаштириш тўғрисидаги таклифга жавобан Бухорони тавсия этган эдилар.

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

В... МУҲ... ЁЗАДИ...

● АНДИЖОН

ХИТОЙЛИКЛАР САВДО ҚИЛИШМОҚДА

● АНДИЖОНЛИКЛАР билан қашқадарёликлар ўртасида азалий алоқалар бор. Мустақиллик шарофати билан Андижон шаҳрида Шинжонг — Қашқар ресторани очилди. Бу ерда тайёрланаётган уйғур лағмони, мантиси, Хитой хензеси, ўзбек, қирғиз, тожик миллий таомлари кўпчиликка маъқул бўляпти.

Шу ресторан яқинида Хитой магазини очилгани ҳам шаҳарликларни хушнуд этди. Дўстлик дўконини очишда Андижон марказий универсал магазини директори Нурилло Сотволдиевнинг хизмати катта бўлди. У кўп югурди, Хитойга бориб, шартнома тузиб келди. Ҳозир магазинда ҳар хил камёб нарсалар: газлама, пойабзал, болалар кийимлари, қанд-қурс, хилма-хил ичимликлар, женьшинь дорилари сотиляпти.

Асака шаҳрида ҳам худди шундай Хитой магазини ишлаб турибди. Ҳозир Қашқар шаҳрида «Андижон» магазинини очиш учун тайёргарлик кўриляпти.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● ХОРАЗМ

СОВҒАСИГА ЧЎҒДЕК ГИЛАМ

● КУХНА мозийдан бугунги кунларимизгача етиб келган машҳур «Гўрўғли» достонида шундай сатрлар бор:

Бундан борсанг шаҳри Бўстон бориб кет,
Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб кет.

Қардош Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти билан Ашхобод шаҳрини боғлайдиган катта йўл ёқасида — Ленин номи билан аталадиган атроф (район) мавзесида достонда куйланган ўша Шаҳри Бўстон қалъасининг қолдиқ деворлари, Ошиқ Ойдин пир — шайҳ Шаҳобиддин Умар дафн этилган, Муборак хоки ардоқланадиган зиёратгоҳ қад ростлаб турибди. Ошиқ Ойдин пир XI — XII асрларда яшаган, 120 йил умр кўрган машҳур тарихий шахс — шоир ва санъаткор бўлиб, уни шоирлар-у бахши созандалар ўзларининг пири, буюк устози, деб билишади.

Туркманистон раҳбариятининг ташаббуси билан бу ерда бахшилар, достончилар, хофизларнинг санъат байрами — айтишувларини уюштириш анъанага айлантирилмоқда. Қўшиқчи бахшиларнинг бу йилги ўзаро беллашувида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қорақалпоғистон, ҳатто Туркия жумҳуриятидан кўпгина талантли санъаткорлар ташриф буюришиб, байрамга файз бағишлашди. Айниқса, Ўзбекистон халқ ҳофизи хоразмлик 94 ёшли Бола бахши — Қурбонназир Абдуллаев, Қаландар бахши Нурматов, тошховузлик Эркабой бахши Эрматов сингари ижрочилар «Гўрўғли», «Хирмондали», «Базиргон» достонларидан куйлаган қўшиқлар зиёратчиларни беҳад хушнуд этди. Туркманистон Президенти Сафармурод Отаевич Ниёзов номидан Бола бахшига чопон, шохи белбог, тўғирма ҳамда чўғдек «Туркмани» гилам тортиқ қилинди. Ошиқ Ойдин пир зиёратгоҳидаги бахшилар беллашуви туркман, ўзбек, қирғиз, тожик, озарбайжон, турк, қорақалпоқ халқларининг чинакам дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● ЖИЗЗАХ

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

● ТУРКИЯНИНГ «Дерн максан» фирмаси, Жиззах пластмасса заводи, «Суғдиёна» ишлаб чиқариш савдо фирмаси ҳамкорлигида тузилган фирма «Согпластмаксан» деб номланади.

Янги жамоа асосан тери маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмоли маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади. Яқин келажакда у йилига 250 минг дона терини қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси миллий банки қўшма корхонани оёққа турғазиш учун зарур бўлган маблағ муаммосини ҳал этган бўлса, зарур асбоб-ускуналар, дасторҳонлар келтиришни Туркия томони ўз зиммасига олди.

Баҳриддин САТТОРОВ.

ҚУТЛОВ

ОЛИМЖОН ЖУРАЕВИЧ ИСМОИЛОВ, «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ

Олимжон Жўраевич Исмоилов 1949 йили Тошкентда таваллуд топган. Миллати ўзбек. Олий маълумотли. Тошкент давлат университетини 1974 йил битириб, сиёсий-иқтисод ўқитувчиси, деган мутахассислиги эгаллаган. У меҳнат фаолиятини «Узгипрокоммунпроект» лойиҳалаш институтида лаборантликдан бошлаган. Кейин Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг физика-техника институтида хизмат қилди.

Олим Жўраевичнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги жамоа ишларида кўпроқ намоён бўлди. У Тошкент вилояти ёшлар қўмитасида ҳамда Ўзбекистон ёшлари Иттифоқи Марказий қўмитасида котиблик қилиб, ўзига хос раҳбарлик тажрибасини бойитди. Шунингдек, Тошкентнинг Чилонзор район ижроия қўмитасининг раиси, партия қўмитасининг биринчи котиби, сўнгра шу район ҳокимлиги лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. ЎзХДП аъзоси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Бугунги кунда Олимжон Исмоилов Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган эди. У оилали, битта қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Олимжон Жўраевич куни кеча «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинланди.

МУСТАҚИЛЛИК ва бозор иқтисодиёти шароитида серқуёш диёримизда туризм ва сайёҳлик тизимини янада ривожлантириш, бу соҳани бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий самардорликка эришиш билан жаҳон меъёрларига мувофиқлаштириш «Ўзбектуризм» миллий компанияси олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бундан буён Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгашининг туризм ва экскурсиялар республика Кенгаши, «Спутник» халқаро ёшлар туризм бюроси, «Интур-тож» қўшма корхонаси, хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-Интур» республика бирлашмаси каби ташкилотлар ўзаро фаолиятларини мувофиқлаштирадилар. Мақсад Республиканинг туризм соҳасидаги ягона сиёсатни амалга ошириш, хўжалик тармоқлари мажмуини ривожлантириш, мустақил Ўзбекистонни халқаро туризмнинг ажойиб гўшаларидан бирига айлантиришдан иборат.

Ёши икки мингдан ошиб кетган қадимий ва навқирон азим Тошкент, асрлар тенгдошлари бўлган Самарқанду Бухоро, ўзининг икки минг беш юз йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Хива, соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган Шаҳрисабз ва кўплаб маданий-тарихий масканларимиз халқаро туризмнинг ривожлантириш омилларидан бирига айланмоғи керак. Ечимини кутаётган бундай муаммоларни ҳал этишда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ишида муваффақиятлар тилаймиз.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти

• СПОРТ •

РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН

26 сентябрда Тошкентда меҳнаткашлар вакиллари, ногиронлар ва ўқувчи ёшларнинг Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган республика спартакиадаси очилади.

Спартакиада дастурида турли спорт ўйинлари, жумладан, волейбол, стол теннниси, от спорти, бадиий гимнастика ҳамда оилавий мусобақалар — кросс, сувда сузиш каби беллашувлар кўзда тутилган. Бундан ташқари етакчи спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари бўлади, ғолиб келган ногиронлар шарафланади. Республикамизда илк бор ўтказилаётган бу спартакиада кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

22 сентябрь куни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида ўтказилган матбуот учрашувида ана шулар ҳақида гапирилди. Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети, тармоқ касаба уюшмалари ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА).

• Инсон ва табиат •



Кўл узра кумушранг чағалайлар учиб юрибди. Қаттиқ қичқириб, ўзларини сувга уришади. Сув остига шўнғиб, майда-балиқларни тутиб ейишади...

Бу манзарани Бешариқ шимолидан оқиб ўтувчи Сирдарё бўйларида кўриш мумкин. Сув бор ерда ҳаёт бор дегандаридек, бу ерда балиқчилик хўжалиги ташкил этилдию, лайлаклар каби чағалайлар ҳам ёзда ўзларига қулай ерларга ин қуриб, бола очадиган бўлишди. Қиш юмшоқ келаётган кейинги тўрт-беш йил ичида бу қушлар қишлагани жанубий минтақаларга деярли учиб кетмайди.

Чағалайлар яшайдиган кўл бошқа ҳавзаларга қараганда катта майдонни ишғол қилади. Тахминан беш квадрат километрли бу кўлнинг қоқ ўртасида қумли орол бор. Оролга унча-мунча ёввойи ҳайвоннинг сузиб ўтиши амри-маҳол. Миллион-миллион йиллар мобайнида наслдан-наслга ўтиб келаётган яшаш учун кураш инстинкти чағалайларни бу хавфсиз оролга ин қуришларида адаштирмаган.

З. ҲАЙДАРОВ, муаллиф олган сурат-лавҳалар.

ЧАҒАЛАЙЛАР МАСКАНИ

• МЕРОС •

СИРЛИ ЗИЁРАТГОҲ

● Теварак-атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг имон-эътиқодини, урф-одатини ҳамда инсонийлик туйғуларини ўзида жамлаб турган бир қанча маданий ва маърифий ёдгорликларни кўришимиз мумкин. Жумладан, қадимги даврдан қолган катта ёдгорликлар орасида Қўйқарилган қалъа, Тупроққалъа, Холчаён ва бошқа ажойиб саройлар билан бир қаторда Хўжа Уббон қалъаси ҳам кенг ўрин тутади.

VII-VIII асрларда Бухоро-ю шарифнинг Ромитан райони чеккаларида жойлашган бу даргоҳ Ҳазрат Алининг 18-ўғиллари бўлмиш Хўжа-и Уббонинг тасаррўфида бўлган. Бир қанча жангу жадаллар натижасида бу ерлар қирғинбарот қилинган, кўп қисмлари ёндирилган. Бу пайтларда Араб халифалиги ҳукм сураётган бир давр бўлган.

Ривоят қилишларича, Язид бин Марвон билан бўлган жангларда бу улуғ зотнинг бошлари танасидан жудо қилинади, кесилган бош 3 чақирим масофага думалаб бориб, ер остига кириб кетади...

Ҳозирги кунда эса бу даргоҳ халқнинг севимли зиёратгоҳига айланган. Бир қанча йиллардан бери бу маскан ўзининг шифобахш чашмаси ҳамда даволовчи қуми билан ҳаммани ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу ердан тери-таносил ҳамда одам танасидаги бир қанча касалликларга шифо излаб келувчиларнинг қадами узилмайди, қўшни жумҳуриятлардан, қолаверса ҳамдўстлик мамлакатларидан келаётган одамларнинг сони аримайди. Қалъа 1966 йилда Ромитан райони партия комитетининг котиби буйруғи билан портлатиб юборилганидан кейин етти йил қаровсиз ётди. 1972 йилга келиб яна қайтадан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мазкур ҳайрия ишларини ташкил қилган 191-қурилиш бошқармаси, Ибн Сино номли жамоа хўжалиги раҳбарларининг бу ташаббусларидан келиб кетувчиларнинг руҳлари тетиклашди.

Биз шундайлардан бири билан суҳбатда бўлдик.

Боқиева Матлуба, дея ўзини таништирди бу аёл. У Тожикистоннинг Ленинобод вилоятидан экан. Бу опахонимиз беш йил шифокорда даволаниб, бирон-бир ўзгариш сезмагач, зиёратгоҳга нажот истаб келибдилар. Бу кишининг миннатдорчиликларини, куйиниб гапиришларини қоғозга туширишга ожизлик қиласан, киши. Опахонимизда ўн кун ичидаёқ ижобий ўзгаришлар бўлган. Соғлиғи анча яхшиланган...

Бу ернинг довруғини ёйиш, камчиликларни бартараф қилиш, ҳайрли ишларни амалга оширишни вилоят, район раҳбарлари ҳамда халқ ноиблари ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ иш бўларди. Чунончи йўлларда автобус қатновини ташкил этиш, уйлар қуриш, даволанувчиларни ичимлик суви билан таъминлаш зарур.

Соҳибжон САЛИМОВ.



Суратларда: 1. Хўжа Уббон қалъасининг асосий кўриниши 2. Зиёратгоҳга олиб борувчи йўл кўрсаткичи тасвирланган.
Н. САЙДОВ суратлари.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- «ШАРОФНОМА». РАШИДОВ САВОҚЛАРИ
- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- ҚИЗЛАР БАЗМИДАН
- ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК ФЕЛЬЕТОН
- «ТЕМУР ТЎЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ХАЛҚАРО АВИАЛИНИЯСИ ЭНГ СОЗ ВА ХАВФСИЗ

Ўзбек авиакомпанияси самолётлари Истанбул, Деҳли, Жидда, Тель-Авив, Шаржа, Қаула-Лампур, Урумчи, Қарочи шаҳарларига тўғридан-тўғри рейсни енгил қўниш билан амалга оширади.

Хизмат кўрсатиш сифати — жаҳон стандартлари даражасида. ТУ-154, ИЛ-62, ИЛ-86 замонавий авиалайнерлари бортида сизнинг энг шинам меҳмонхона ва уй шароитидагидек хавфсиз бўлишингиз таъминланади.

ЭКЗОТИКА — Шарқнинг ўзига ҳос бетакрор манзаралари ва меъморчилиги ҳозирга қадар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган.

БИЗНЕС — Бу хусусий ва олий даражадаги ғоят фойдали ишбилармонлик ва савдо алоқаларидир.

ДАМ ОЛИШ — Сизнинг куч-қувватингизни ва маънавий имкониятларингизни оширади.

ШАРҚ СИРЛАРИ БИЛАН ОШНО БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИГА ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН «ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ОРҚАЛИ ЭРИШАСИЗ.



БАРЧА КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ АВИАКОМПАНИЯНИНГ ХАЛҚАРО БЎЛИМИДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 41-уй.
Телефон: 32-73-77.

АВИАРЕКЛАМА

ТЕМИР-ТЕРСАКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1992 йил 1 сентябрдан бошлаб темир-терсакларнинг шартнома нархлари оширилди. Айни пайтда навидан қатъий назар бир тоннасининг баҳоси минг сўмдан — уч минг олти юз сўмгача миқдорни ташкил этяпти.

Транзит йўналишидаги автомобиль транспортлари темир-терсакларни Ўзбекистон металлургия заводига етказиб берса, завод ҳар бир тонна металломга қуйидагича нархларда транзит хизмати ҳақларини тўлайди:

25 километргача бўлган масофадан ташигани учун 100 сўм / тонна.
25—50 километр учун 150 сўм / тонна.
50—100 километр учун 200 сўм / тонна.
100—250 километр учун 250 сўм / тонна.
250 километрдан юқориси учун 300 сўм / тонна.

Маълумотлар учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 58-57-09, 58-62-78.

Ўзбекистон металлургия саноати давлат концерни

DIALOG INTERNATIONAL, INC, USA
INTERNATIONAL TRADE AND MANAGEMENT CO.

Американинг «ДИАЛОГ ИНТЕРНЭШНЛ» ФИРМАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларни

ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма контракт бўйича ва ҳамён кўтарадиган нархларда кийим-кечак, оёқ кийими, мебель, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техника, электроника, тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи асбоб-ускуналарни, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш кичик техникасини етказиб бериш имкониятига эга ҳамда асбоб-ускуналарнинг бенуқсон ишлашини таъминлайди.

ФИРМА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР МУАССИСИ БЎЛИБ, КОРХОНАЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА, ШУ ЖУМЛАДАН ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ҚАТНАШМОҚДА.

1992 йил 28-29 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Диалог интернэшнл» фирмаси МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ва УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТАҚДИМОТИ ўтказилади.

Кўргазмага ташриф таклиф қоғозлари бўйича.
Алоқа телефонлари: 33-58-31, 33-73-81.
Факс: 56-09-14.

Диаметри 25 мм.ли чексиз миқдорда қувурлар СОТИЛАДИ

Тошкентдаги телефон: 90-02-54.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси, редакция ходими М. Беккуловага ўғли **САРДОР**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзагроқурилиш» Республика ишлаб-чиқариш давлатширкат қурилиш бирлашмаси жамоаси Наманган вилоят 2-агроқурилиш бирлашмаси бошлиғи М. А. Тожибоевга онаси **Каримахон ТОЖИБОЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—20.30.
Г—340 № 189. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.